

Нефт маҳсулотларини нефт база худудидан

Етказиб бериш хақида

ШАРТНОМА№ 10/48

Тошкентвилояти

Қибрай т-н

ҚизилШалола к.

«26» Июль 2022 йил

Генетика ва Уйғышты (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади.) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.А. Наремшев бир тарафдан ва «Чинобод нефт базаси» Масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) директор Муржанов С.Т. тимсолида, Низом асосида фаолият кўрсатувчи ушбу шартномани қуидагилар хақида туздилар:

1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Таъминотчи” нинг ресурс имкониятлари ва “Истеъмолчи”нинг талабномада курсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган, спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотлари учун “Таъминотчи” нинг хисоб рақамига олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширади.

1.3.Шартноманинг

45504300

умумий

суммаси

билан Бюджет маблаглари хисобидан 10989722,95 бюджетдан ташқари маблаглар хисобидан 24514577,05 (кераклигини тагига чизилсан). Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун тўлов, шартноманинг ажралмас кисми хисобланган спецификацияларга асосан амалга оширилади.

Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек стказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

Шартнома суммаси нефт маҳсулотларини “Таъминотчи” таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефт маҳсулотини ташиш билан боғлик темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2.МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Таъминотчи”нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларирига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган холда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин.

2.2. Нефт маҳсулотлари омборига нефтмаҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб беришишарт. Акс холда автотранспорт воситалари нефт база омбори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўшкетиши учун “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари куйилган автоцистерналар “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

2.4. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномад аёки шартнома асосида берилган буютма номада кўрсатилган муддатлар ва хажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида,

ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган хужжатлар тақдим этилган кундан сўнга малгао ширилади. Нефтни кайтаишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темирийўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт махсулотлари таъминотидаги узилиш холатларида "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"нибуҳақида хабардор қилинган холда томонлар етказиб беришининг бошқа муддатни ўзаро келишиб олишлари мумкин

3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро хисоб-китоблар учун асос хисобланади. Хисоб-китоблар тўлов топшириқномаси орқали амалга оширилади.

«Истеъмолчи» оладиган нефт махсулотлари учун олдиндан 100% маблағлар пул ўтказиш йули билан белгиланган тартибда мажбуриятини олади.

3.2. Хисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га махсулотларни етказиб беради.

4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. "Таъминочи" томонидан "Истеъмолчи"га етказиб берилган нефт махсулотлари бевосита "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан қабул килинади. Етказиб берилган нефт махсулотларини қабул қилиб олишда "Истеъмолчи" вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган микдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўрикномалар асосида амалга оширади.

4.2. "Истеъмолчи"нинг вакили нефт махсулотларни олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Эгалик хукуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи "Таъминотчи" корхонаси худудидан чиққан вақтдан бошлаб тўлиқ "Истеъмолчи"га ўтади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини олаётган вактда жойида махсулотнинг сифат ва микдорини текшириб олишга хақли. «Истеъмолчи» томонидан ўз транспортида нефт махсулотини ташиб кетиши холатида, махсулотнинг сифат ва микдор жихатидан сакланишига жавобгарлик нефт база худудидан ташкарида истеъмолчи зиммасига ўтади.

5.2. Етказиб берилаётган махсулот сифати амалдаги Давлат стандарти, ТШ талабларига мос келиши хамда жўнатилаётган нефт махсулот учун берилаётган сифат гувохномасида акс эттирилади ва «Истеъмолчи» га тақдим этилади.

5.3. Махсуслаштирилган автотранспортда ташишда эса амалдаги тартиб ва йўрикномаларга мувофик иш юритилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлади. Хари кки томон нефт махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефт махсулотларини хисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг худудига олиб келинган нефт махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Таъминотчи»га олинмаган махсулот

умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш хуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тұгрисида»ги конунга биноан кўлланилади.

6.7. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефт маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник ҳавфсизлик талаб ва меъерларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.8. Томонлар хамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, вაъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу харакатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

6.9. Томонлар келишмовчилиги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» Конунга асосан кўриб чикилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Хар икки томон хам қуидаги холатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий оғат, сувтошкини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтниқайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтингчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси хукумати, Вазирлар Махкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибиға ўзгартириш киритилган холларда.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир қисмасликка келишиб оладилар.

8.2. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

8.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пурратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимиға пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8.4. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши белгиланган мажбуриятларни бузилганилиги холатлари хақида хабар берилганилиги учун уларга тайзиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди. Коррупцияга қарши курашиш қоидалари бизилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

8.5. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари хақида

хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб беришга, бекор қилишга хамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

8.6. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида “Истеъмолчи” (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари ва бошқа вакиллари), “Таъминотчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равища бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина хақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан хал этилади. Иккала томон мустакил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктиносидий судларида хал этилади.

10.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

10.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар “Истеъмолчи” бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равища ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучтга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ


«ТАЪМИНОТЧИ»

«Чинободнефтбазаси» МЧЖ
111212 Кибрайтумани, «Кизил шалола» киш
МФО 01115 Шайхонтахур ф-л OFB
х/р 20210000200190664001
ИНН 200605317 ОКОНХ 71150

Директор:  Муржанов С.Т.



Ушбу шартномани нефт махсулотлари етказиб бериш хакидаги умумий қоидалар 497-456 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» Конуннинг 5-бўлим 31,32, 34-моддаларининг талабларигажавобберади.

Мутахассис-хукушунос 

Юрист: Усеков Г. 

"26" "Давор" да тузилган 10148 сонли шартноманинг

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Изоҳ : Шартнома муддати ичидаги маҳсулот нархи ва микдори узгариши мумкин.

«ТАЪМИНОТЧИ»

Чинобод нефт базаси" МЧЖ
Шайхантохурский филиал
ЧАКБ "ORIENT FINANS"
ИНН 200605317 МФО 01115
ОКЭД 46710



Директор: Муржанов С.Т

"Истерь молчи"

УЗРФА ГЕНЕТИКА ВА УЗБ ИНСТИТУТИ
Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Юкори юз махаласи
Ш/хс: 100010860272487015100043001



Директор:

A. A. Hopkins

УЗРФА ГЕНЕТИКА ВА УЭБ ИНСТИТУТИ
Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Юкори юз махаласи
Ш/хс: 400110860272487015100043001
ИНН: 200 607 044 (институт)
Р/с: 23 402 000 300 100 001 010
ИНН: 201 122 919 МФО: 00 014
ХККМ МБ Тошкент шаҳар ББ
ОКЭД: 72 110 КТУТ: 14854438
ОКОНХ: 95110 СОАТО: 1727248565